


“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Нурота туман ҳокими

ўринбосари

 Г.Бобомуродова

2022 йил 7 сентябрь

Туман ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш
БАЁНИ

2022 йил 7 сентябрь

Нурота тумани

Ранслик қилувчи:

Г.Бобомуродова – туман ҳокими
ўринбосари

Қатнашдилар:

туман корхона, ташкилот ва
муассасалардаги фаол аёллар, хотин-
қизлар бошланғич ташкилот раислари
(*рўйхат бўйича*)

КУН ТАРТИБИ:

1. Туманда “Оқила аёллар” ҳаракати фаолиятини ташкил этиш ҳақида.
2. “Оқила аёллар” ҳаракатининг таркибини шакллантириш ва етакчисини сайлаш.
3. Ҳаракатнинг 2022 йил 2-ярмига мўлжалланган иш режаси тўғрисида.
4. “Оқила аёллар” ҳаракатининг Ишчи органи таркибини тасдиқлаш.
5. Турли масалалар

(Бобомуродова, Адизова, Тогаева, Бозоров)

Йиғилишни туман ҳокими ўринбосари-Оила ва хотин-қизлар бўлим бошлиғи Г.Бобомуродова очиб берди ва кун тартибидаги масалалар билан таништирди.

Г. Бобомуродова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 августдаги “Оқила аёллар” ҳаракати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 437-сонли қарори ижросини таъминлаш, хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш ва оғирини енгил қилиш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида вилоят, туман-шаҳар ва маҳаллаларда “Оқила аёллар” ҳаракатини ташкил этиш белгиланганлиги, ушбу ҳаракат томонидан ҳудудларда амалга ошириладиган вазифалар ҳақида батафсил маълумот берди.

Йиғилишда Ҳаракат Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасида, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармаларида ҳамда туман оила ва хотин-қизлар бўлимларида доимий асосда фаолият юритувчи юридик шахс бўлмаган жамоатчилик тузилмаси ҳисобланиши, туман

оила ва хотин-қизлар бўлими томонидан ҳар бир маҳаллада Ҳаракатнинг бошланғич гуруҳлари ташкил этилиши белгиланганлиги айтиб ўтилди.

Ҳаракат жамиятда янги маънавий макон яратишда хотин-қизларнинг фаоллигини қўллаб-қувватлаш, эзгу ғояларни сингдириш, фарзанд тарбияси, оила, хотин-қизлар маънавиятини юксалтиришда жамоатчиликка, энг аввало, ёшларга тарбиявий таъсир кўрсата оладиган обрў-эътиборли ва катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, фаол ва ташаббускор аёллар орасидан шакллантирилиши маълум қилиниб, ҳаракатнинг аъзолари ва етакчисига номзодларни тавсия этиш ҳақида таклифлар билдирилди.

Туман Оила ва хотин-қизлар бўлими тегишлича **Ҳаракатнинг ишчи органи** ҳисобланади ҳамда Ҳаракатга юклатилган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлашга доимий равишда кўмаклашиб боради.

Маҳаллалардаги Ҳаракатнинг бошланғич гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш, шу жумладан, иш юритиш ҳужжатларини тайёрлаш ва расмийлаштиришга **маҳалладаги хотин-қизлар фаоли масъул** ҳисобланади.

Кун тартибидаги масала юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, йиғилиш,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кун тартибидаги масалалар юзасида берилган ахборотлар маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 августдаги “Оқида аёллар” ҳаракати фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида” 437-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

3. Туман оила ва хотин-қизлар бўлими ҳузурида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган “Оқида аёллар” ҳаракати аъзолари таркиби 1-иловага, Ҳаракатнинг 2022 йил 2-ярмига мўлжалланган иш режаси 2-иловага, Ҳаракатнинг ишчи органи 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Туман оила ва хотин-қизлар бўлими ҳузурида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган “Оқида аёллар” ҳаракатининг етакчиси этиб Нурота тумани Нурота туман Миришкор маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси (жамоатчилик асосида) Ҳусенова Шодигул Олимовнанинг номзоди тасдиқланганлиги қайд этиб ўтилсин.

4. Туман “Оқида аёллар” ҳаракатининг етакчиси Ш.Ҳусенова ва ҳаракат аъзоларига:

туман Оила ва хотин-қизлар бўлимининг “Оқида аёллар” ҳаракати тўғрисидаги Низомга мувофиқ фаолиятни амалга ошириш:

жамиятда янги маънавий макон яратиш, эзгу ғоялар, миллий қадриятлар, урф-одатлар, муқаддас анъаналарни сингдиришга қаратилган тизимли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

маҳаллаларда оилаларни мустаҳкамлаш, фарзанд тарбиясида ота онанинг масъулияти, ибратли ота-она бўлишнинг аҳамияти, маърифатли жамиятни куришда маърифатли оналарнинг ролини кенг тарғиб қилиш;

аёллар, айниқса, ёш қизларда оилага ва ватанга садоқат, фидойилик, ташаббускорлик туйғуларини сингдириш “одобли қиз” ва “маърифатли она” киёфасини шакллантиришга қаратилган чора тадбирларни амалга ошириш;

фарзанд, айниқса, қизлар тарбияси, оила, оналар маънавиятини юксалтириш, оилаларда китобхонлик, мутолаа маданиятини тарғиб этиш, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни шакллантириш, оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

ёшлар ўртасида оилавий-ҳуқуқий муносабатлар, оилавий ҳаёт психологияси, оила иқтисоди ва бюджети, репродуктив саломатлик асослари, маънавий-ахлоқий кадриятларга нисбатан ҳурмат руҳида бўлиш масалаларини ҳамда “Оила - муқаддас” тушунчасини кенг тарғиб қилиш;

хотин-қизларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислохатларга дахлдорлик хиссини ошириш, уларга қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқчил тилда тушунтириш вазибалари тавсия этилсин.

5. Ҳаракат ва унинг бошланғич гуруҳлари таркибига киритилган фаол ва ташаббускор аёллар Ҳаракат томонидан “Маърифат” тарғиботчилар жамияти билан ҳамкорликда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, фарзанд тарбияси, оила ва хотин-қизлар маънавиятини юксалтириш йўналишида амалга оширган ишларининг натижадорлигига кўра жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик ҳайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан рағбатлантириб бориш чоралари кўрилсин.

7. Ҳаракатнинг 2022 йил 2-ярим йилликка мўлжалланган иш режаларини бандма-банд ижросини таъминлаб, амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни белгиланган тартибда “Оқила аёллар” ҳаракатининг Ишчи органига тақдим этиб борилсин.

8. “Нурнома” газетаси таҳририяти (Бозоровга)га Ҳаракат фаолиятини мунтазам ёритиб бориш тавсия этилсин.

9. Мазкур йиғилиш баёнининг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Баённомани расмийлаштирди

Д. Адизова Д. Адизова

Туман ҳокимлигининг 2022 йил
7 сентябрдаги 19 -
сонли
йиғилиш баёнига 3-илова

Туман Оила ва хотин-қизлар бўлими ҳузурда жамоатчилик асосида
фаолият юритадиган “Оқила аёллар” ҳаракатининг
ИШЧИ ОРГАНИ ТАРКИБИ

№	ФИШ	Иш жойи, лавозими	Вазифаси
1.	Бобомуродова Гулрух Умаровна	Туман ҳокими ўринбосари-оила ва хотин-қизлар бўлим бошлиғи	Ҳаракатга умумий раҳбарликни амалга оширади.
2.	Адизова Дилдора Турсуновна	Туман Оила ва хотин-қизлар бўлими етакчи мутахассиси	Ҳаракатга юклатилган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлашга доимий равишда кўмаклашиб боради ва ҳаракат фаолиятини мувофиқлаштиради
3.	Зокирова Садоқат Махмудовна	Туман Оила ва хотин-қизлар бўлими етакчи мутахассиси	Ҳаракат фаолиятига оид хужжатларни расмийлаштириш, ижросини таъминлаш ва ҳисоботлар юритилишида кўмаклашади.
4.	Тоғаева Гулрух Ражабоевна	Туман Оила ва хотин-қизлар бўлими етакчи мутахассиси	Ҳаракат томонидан ўтказиладиган тадбирлар ва тарғибот-ташвиқот ишларида амалий ёрдам кўрсатади.
5.	Адизова Дилдора Турсуновна	Туман Оила ва хотин-қизлар бўлими етакчи мутахассиси	Ҳаракат томонидан ўтказиладиган тадбирлар ва тарғибот-ташвиқот ишларини оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали ёритишда кўмаклашади.

Нурота туман Оила ва хотин-қизлар
бўлими етакчи мутахассиси

 Д.Адизова